

Жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши апелляция инстанция судининг ажримини бекор қилинишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2010 йил 9 декабрдаги ҳукмига кўра, М. Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 18 январдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра М. 2008 йил 23 октябрь куни опаси С.нинг турмуш ўртоғи Х. уни кўпчилиқнинг олдида ҳақорат қилганлигини онаси Б.га айтаётганлигини эшитиб, шу куни соат 18 ларда укаси Ф. билан биргалиқда укасига тегишли бўлган «Нива» русумли автомашинада Шўрчи туманининг «Озод» маҳалласида яшовчи поччаси Х.ни излаб бориб, Х.ни кўчада кўриб машинага миндириб, ўзлари билан Шўрчи шаҳри, Муқимий кўчасидаги яшаш уйига олиб келиб, унинг юзига бир шапалоқ уриб, ўзаро жанжаллашиб қолишганда, уйдагилар уларни ажратиб, Х.ни кўчага чиқариб юборишган.

Шундан сўнг, М. Х.ни излаб чиқиб уни ўзининг яшаш уйи яқинидан оқиб ўтувчи каналнинг сув тортувчи насоси ёнида ўтирганлигини кўриб, уни қасддан ўлдириш мақсадида 2,6 метр пастликдан оқиб ўтувчи каналга итариб юбориб, изидан пастга тушиб, бўғиб, бошини каналдаги сувга босиб, қимирламай қолганидан сўнг уни сувда қолдириб ҳодиса жойидан яширинган.

Суд-тиббиёт экспертизаси Х.нинг ўлими бўғиш ва сув ютиш натижасидаги механик асфиксия оқибатида юзага келганлиги ҳақида хулоса берган.

Олий суд раиси ўринбосарининг протестида апелляция инстанцияси судининг ажримини бекор қилиш масаласи қўйилган.

Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қуллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 27-бандида суд ишнинг апелляция, кассация ва назорат инстанциясида кўрилиши куни тўғрисида Жиноят процессуал кодекси 53-моддаси талабига кўра, маҳкумнинг ҳимоячисини ва қонуний вакилини хабардор қилиши шартлиги, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судлари томонидан ишнинг ҳимоячи иштирокисиз кўрилиши, агар у суд мажлиси вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган ва бу унинг суд мажлисида иштирок этиши имкониятидан маҳрум қилган бўлса, бу ҳолат жиноят-процессуал қонун талабларининг жиддий бузилиши деб ҳисобланиши кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг «Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 10-бандида апелляция инстанцияси суди ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш пайтида процесс иштирокчиларининг апелляция инстанциясида иш кўриладиган жой ва вақт тўғрисида тегишли тарзда хабардор этилганлиги, шунингдек маҳкум(оқланган шахс), унинг ҳимоячиси ва қонуний вакиллариغا, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллариغا апелляция инстанцияси суди мажлисида иштирок этиш ҳуқуқининг тушунтирилганлигини текшириш лозимлиги кўрсатилган.

Иш бўйича Пленум қарорларининг тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Жиноят иши материалларидан кўринишича, биринчи инстанция суди жараёнида М.нинг манфаатларини адвокат С. ҳимоя қилган. Шундан сўнг адвокат С. мазкур жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўрилишида иштирок этиш учун ҳам ордер тақдим қилган.

Бироқ биринчи инстанция суди М.га оид жиноят ишини апелляция инстанциясида кўриладиган жой ва вақт тўғрисида процесс иштирокчиларини хабардор этган бўлсада, апелляция инстанция суди ҳимоячи ҳамда жабрланувчи тегишли тарзда хабардор этилган-этилмаганлигини атрофлича текширмаган, жиноят ишини апелляция

инстанциясида кўриладиган жой ва вақт тўғрисидаги хатлар уларга юборилганлигини исботловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганлиги суднинг эътиборидан четда қолган.

Бу ҳолат хизмат текшируви жараёнида ҳам ўз тасдиғини топган.

М.нинг жиноят иши апелляция инстанция судида кўриш жараёнида маҳкумнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи бузилганлиги сабабли апелляция инстанцияси судининг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 10 ноябрдаги ажрими билан М.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 18 январдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгитдан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилди, ҳамда процессуал қонун талаблари жиддий бузилганлиги ҳолати юзасидан хусусий ажрим чиқарилди.

Назорат иши ЖСХ-265-11

